



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 20 август, чоршанба

№67 (11.558)

Эркин нарҳда сотилади

## АҚШ СЕНАТОРЛАРИ САМАРҚАНДДА

**САМАРҚАНД. 19 август.** *Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов бугун бу ерда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Сенатининг Ташқи алоқалар бўйича қўмитаси раиси Ричард Лугар раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.*

Ричард Лугар оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, бу муаммага қарши курашишни кўзда tutувчи қатор халқаро қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ташаббускорлик кўрсатган сиёсатчидир. У Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш ташаббусини юқори баҳолайди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар, жумладан, сиёсий ва иқтисодий алоқалар, хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Айниқса, халқаро террорчилик, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг гайриқонуний савдоси каби иллатларга қарши курашда икки мамлакатнинг қарашлари муштараклиги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамламоқда.

Самарқанд шаҳридаги

қароргоҳда бўлиб ўтган учрашувда томонлар минтақада оммавий қирғин қуролларининг ноқонуний тарқалишига, экологик муаммоларга қарши кураш масалаларини муҳокама қилди. Икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислоҳ Каримов АҚШ Сенатидеги Ўзбекистон ва, умуман, Марказий Осиёдаги муаммоларга ечим топишда минтақа давлатлари билан ҳамкорликка интилиш мавжудлиги, бу ердаги вазият доим америкалик сиёсатчилар диққат-эътиборида туриши қувонarli эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Америкалик меҳмонлар Самарқанднинг қадимий обидаларини томоша қилди.

(ЎЗА).



## БУ ЙЎЛЛАР ТАРАТГАЙ ЎЗБЕКНИНГ ШОНИН

**«Бугунги кунда бир кеча-кундузда 17 минг автомобиль, қарийб 150 минг йўловчи ўтаётган бу трансконтинентал йўл тикланган «Буёқ Ипак йўли»нинг муҳим бўғини, дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва ҳамкорлик йўли бўлиб қолиши шубҳасиз.»**

Ислоҳ КАРИМОВ.

Илгари хабар берганимиздек, мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар мамлакатимиз бўйлаб сафарга чиқиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишмоқдалар. Шу йил 16 август кунини Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов бошчилигидаги ижодий гуруҳ — таниқли ёзувчи, шоирлар ва санъаткорлар Қамчиқ довоғи қурувчилари, Ангрэн, Янгиобод шаҳарлари меҳнаткашлари ҳузурда бўлиб, уларнинг ҳаёти, амалга оширилган ишлари, қурувчиларнинг яшаш ва турмуш тарзлари билан яқиндан танишиб, уларга ўз ижодларидан намуналар ўқиб бердилар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, йўллари таъмирланган, янги йўللар қуришга алоҳида эътибор берилди. Юртбошимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан бу борада мислсиз ишлар амалга оширилди. «Буёқ Ипак йўли»нинг бир қисми бўлган Қамчиқ довоғиди бунёдкорлик бунга бир мисол.

Ижодкорлар дастлаб Ангрэн йўлларида мунтазам фойдаланиш бошқармасида очилган «Немис технологиялари маркази»да бўлдилар. Бу ерда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан келган йўлсозлар малака оширади. Уларга германиялик етук мутахассислар геодезия, лойихалаш, замонавий технологияларни бошқариш бўйича сабоқ бермоқдалар.

— Ўзбек йўлсозлари билан биргаликда шундай улкан қурилишда иштирок этаётганимдан, Тошкент — Ўш йўли қурилишида хиссамиз борлигидан жуда мамнумимиз, — деди германиялик профессор Хост Лилленблум. — Биз икки улкан лойиҳа бўйича ҳамкорлик қилдик. Президент Ислоҳ Каримовнинг «Буёқ Ипак йўли»ни қайта тиклаш бел боғлагани ва бу борада жуда улкан ишларни амалга ошираётгани ўта қувонarliдир.

...Кўёш тоғ чўққисидан ошиб, машиналар қарвони ойналарига урилганда йўлни қўриш биров бўлсада қийинлашади. Уқ изидек текис йўлнинг бир учи тоғ тошлар, арчазорлар орасига санчилиб, кўринмай қолади. Худди машҳур мусаввир Урол Тансиқбоев расмларига ўхшаб хира туман пардаси ичида сўнгсиз йўл манзаралари кўз ўнгимиздан липиллаб ўтади. Бахайбат тоғларнинг терс томонига ҳали офтоб тушиб улгурмаган чўққилардан мўралаётган офтоб нурлари туманга қоришиб, водийни аллақандай сеҳрли ва жозибали қилиб кўрсатади. Ҳаво ниҳоятда тоза ва тиник. Биз Қамчиқ довоғига охишта кўтарилга бошладик.

Хамроҳим таниқли шоир Махмуд Тоир шёър ўқий бошлади:

**Кўклашгин кўклам билан,  
Диллашгин шабнам билан,  
Бу дунё обод ахир,  
Ақли хуш одам билан.**

**Дил туби кўздан йироқ,  
Дил ўзи кўзга чироқ,  
Гарчи юз йил яшарсан,  
Ҳар кунинг бергай сабоқ.**

**Жон учун жонон керак,  
Ер учун осмон керак,  
Кўёшин кўрминг келса,  
Уйингга айвон керак.**

**Хуш одам, хушёр одам,  
Бахтлидир бедор одам.  
Узингга буюрмаса,  
Топганинг бекор одам.**

**Кўзин кўрсин деб яратди,  
Кўлни кўрсин деб яратди,  
Худойин ҳар бандасин,  
Қандин урсин деб яратди.**

(Давоми 3-бетда).



СУРАТЛАРДА: Қамчиқ довоғида бўлиб ўтган учрашуларда йўлсозлар ижодкорларни ана шундай эътиром ва шодлик билан қутиб олдилар. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан бўлган мулоқотлар, айниқса, катта таассурот қолдирди.

Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.

## Маҳалла обод — Ватан обод

### ШАНБАЛИК УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

**Мустақиллигимизнинг 12 йиллигини нишонлашга нўхста тайёргарлик қўриш ҳамда «Обод маҳалла йили» бўйича қабул қилинган тадбирлар дастурини амалга ошириш, вилоятда санитария-эпидемиологик аҳолини янада яхшилаш мақсадида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари бажариламоқда. Улуғ байрам арафасидаги умумхалқ ҳашари бу жараёнга алоҳида мазмун бағишлади.**

16 августда вилоятнинг барча қорхона ва ташкилотларида, муассаса ва ҳўжалиқларида, дам олиш масканларида маҳаллалар худудларида умумхалқ шанбалик кун бўйи давом этди.

Вилоят бўйича шанбаликда 950 мингга яқин киши фаол иштирок этди. Шу кунинг 682 километр узунлигидаги суғориш иншоотлари тозаланиб, кўча ва хиёбонлар четида 28 мингдан зиёд мавсумий гул кўчатлари ўтказилди. 5 миллион 200 минг квадрат метрга яқин майдонларда ободонлаштириш ишлари бажарилиб, маҳалла ва қорхоналарнинг худудлари 6644 тонна маийши ва саннат чикинди-ларидан тозаланди. Дов-дархатлар парваришланиб, 430 мингдан ортиги оқланди. Шунингдек, вилоятдаги

1249 маҳалла аҳолиси фаол иштирок этган оммавий йиғида турар-жой мавзелари ва маҳаллаларда қўшимча гул кўчатларини ўтказиш, кўп қаватли ва хусусий уйлар атофи, болалар майдончалари тозаланиб, тартибга келтирилди.

Саннат қорхоналари, ташкилотлар ва муассасалар эндиликда умумхалқ ҳашари кунини ишлаб топилган 106,6 миллион сўм маблағни «Маҳалла» жамғармаси ва унинг жойлардаги жорий ҳисоб рақамларига ўтказишди. Бу маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, кам таъминланган оила-ларни қўллаб-қувватлаш, истиқомат жойларида оммавий спорт турларини ривожлантиришга сарфланади.

## ТАЛАБАЛАРНИНГ ЯПОНИЯ САФАРИ

**Япония Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ҳар йили ёз фаслида ташқи етилдиган бир ойлик ўқув дастурида дуненинг ўндан зиёд мамлакатларидан ташириб буюрган талабалар япон тили бўйича ўз билимларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўладилар. Мазкур дастур доирасида бу йили Тошкент Давлат шарқшунослик институти ва Самарқанд Давлат хорижий тиллар институти талабалари ўқув машғулотларини ўтказишди.**

Япониянинг «ОНК» телеканаллари ана шу лойиҳа ҳақида бир соатлик махсус кўрсатув тайёрлаб, уни эфирга узатди. Бир ойлик ўқув дастури якунларини ўз ичига олган курсатув асосан «Тинчлик ва инсонийлик» мавзусидаги ёшлар саммитига бағишланди. Унда таъкидланишича, саммит иштирокчилари ўз тенгқурлари билан умуминсоний қадриятлар, тинчлик ва осойишталик борасида ўзаро фикр алмашилди. Саммит давомида хориқлик талабаларга япон тили ва маданиятини янада чуқурроқ ўрганишга имконият яратилди.

— Мен болалигимдан ўзбек

ва япон халқлари ўртасидаги ўхшашликларни ўрганишга қизиқиб келаман, дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Шунқор Шомуродов «ОНК» телеканалли мухбири билан суҳбатда.

— Айниқса миллий услубда қуриладиган уйлارнинг ички тузилиши ва миллий либосларимиздаги айрим ўхшашликларни тоғанимда жуда қувонганман. Бу эса мени япон маданиятини янада чуқурроқ ўрганишга ундади.

Кўрсатувда хикоя қилинишича, ўзбекистонлик талабалар Токио, Оқома ва Хиросима шаҳарларига ташириб, япон оилаларида

истиқомат қилиши, кундалик ҳаёт ва миллий қадриятлари билан яқиндан танишишга муваффақ бўлишди.

Шу билан бирга мамлакатимиз намоёндалари Оқома префектураси губернатори жаноб М.Иши қабулда бўлиши ва Хиросима шаҳридаги Тинчлик музейини зиёрат қилиши.

Японияга уюштирилган бир ойлик сафар талабалар учун маҳаллий халқ хунарамандчилиги сирлари билан яқиндан танишиш имконини ҳам берди.

Ўқув курси якунида талабаларимиз Оқома шаҳридаги етакчи ўрта мактаблардан бирида «Тинчлик ва инсонийлик» мавзусидаги ёшлар саммитида иштирок этиб, ўз мамлакатлари ҳақида батафсил сўзлаб беришди.

**Беруний АЛИМОВ,  
«Жаҳон» ахборот агентлиги,  
Токио.**

## ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

**Мустақил Ўзбекистонимизнинг тинч, осойишта ҳаёти, кўп миллатли тотув халқларнинг хотиржамлигини қўрқмайдиغانлар оз эмас. Кундалик сокин турмушимиз, халқ севган байрам ва маъракаларимиз, яратувчан меҳнат билан банд аҳолининг қайфиятини бузишга, ўз ораминда, шунингдек, мамлакатимиз ташқарисидан мавжуд бўлган бундай ғаламислар, энг муҳими, ҳуқуқий давлат ҳамда демократик жамият барпо этишдек эзу ишларимизга раҳна солишга уринишлари барчага аён.**

Ҳамда радиоактив моддалар, Ватанимиз равнақига путур етказувчи, конституцион тизимга эид мазмундаги варақаларни тайёрлаш ва тарқатиш бўлган уринишлар, яшаш жойларида узоқ муддат кўринмай, тўсатдан пайдо бўлиб қолган шахслар ва ўзингизда шубҳа уйғотган бошқа ҳолатлар ҳақида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» орқали хабар беришингиз мумкин.

«Ишонч телефонлари»га мурожаат этувчиларнинг исм-шарифлари сир сақланиши кафолатланади.

**Кўйиндаги «Ишонч телефонлари» Сканинг хизмати:**  
133-61-93, 64-84-32,  
64-32-14.  
Доимо огоҳ бўлайлик!

## «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

### «ИШЛАР ФАҚАТ МАРКАЗДАМИ?»

**Газетамизнинг шу йил 26 июль сонидан юқоридаги сарлавҳа остида танқидий-таҳлилий мақола чоп этилган эди. Унда вилоят ҳокимининг «Вилоят маданият муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг Бўка туманидаги ижроси ҳақида фикр юритилиб, бу борада туман марказида бир қанча ижобий ишлар қилингани ҳолда, айрим ширкат ҳўжалиқлари ҳудудидан жойлашган клублар ишининг аҳоли яхши эмаслиги ҳусусида фикр юритилган эди.**

Тахририят мазкур мақола юзасидан Бўка тумани ҳокимининг биринчи муовини А. Қодиров имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан, шундай дейилади: «Мақола туман ҳўжалиқлари бошқарувлари раислари, кишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, туман маданият бўлими ходимлари, клубларнинг мудирлари, кутубхоналар тармоқлари ходимлари иштирокида ўтказилган йиғилишда муҳока-

ма қилинди. Мақолада билдирилган фикрлар асосан тўғри эканлиги эътироф этилди.

Туман маданият бўлимининг мудир З. Сайдуллаев ишда йўл қўйган хато ва камчиликлари, кишлоқ маданият муассасалари фаолиятига эътиборсизлик билан қараганлиги учун каттик огоҳлантирилдилар.

Туман ҳокимлиги газетанинг хозирги кунда долзарб вазифага эътиборимизни қаратгани билан маданий-маърифий соҳадаги ишларимизни яхшилашга яқиндан ёрдам берганлигини эътироф этади.»

# ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигига бағишланган "Ўзбекистон қўшиқ байрами" Республика танловини якунланди.**

Халқлар дўстлиги саройида мазкур танлов голибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим ва Гала-концерт бўлиб ўтди.



Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Б.Қурбонов давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва саккинчи марта ўтказилган мазкур танлов келажакда буюқ давлатимиз ва унинг бунёдкор халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватанини, истиклолни кўз қорачиқидек асраб-авайлашга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусика асарлари ва қўшиқларнинг юзага келишига кенг имконият яратётганини таъкидлади. Мамлакатимизнинг беқиёс сахнаси бўлиб хизмат қилаётган бу байрам тадбирлари нафақат янги асарларни, балки қўшиқчиллик санъатида ўз муҳлисларининг меҳр-муҳаббатини қозона олаётган умидли истеъодларни кашф этмоқда.

Байрамда профессионал хонандалар билан бир қаторда, она-диригимизни мадҳ этиш истагида бўлган кўпга эш истеъодлар - мактаб ўқувчилари, талабалар, ҳарбийлар иштирок этди. Бу галги танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар вақиллари, Маданият ишлари, Халқ таъ-

(У.А.)

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Бу билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини мустақамлаш йўлида гоёта муҳим кадам қўйилди.**

Суд-ҳуқуқ ислоҳотининг изчил амалга оширилиши натижасида судлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, фақат жазоловчи орган бўлмай, кўпроқ фуқароларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айланмоқда.

Шу йилнинг 25 июль куни «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ф. Муҳитдиновнинг «Одиллик одимлари» сарлавҳали мақоласини мутахассис сифатида чуқур қониқиш билан ўқиб чиқдим. Дарҳақиқат, унда таъкидланганидек, бугунги кунда жиноятлар таркибининг 73,1 фоизини ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этмоқда. Бу янги қонунчилик амалиёти туфайли тергов пайтида айбланувчилар оқидга қолдирилиб, суд мажлисида уларга овозликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганига асос

# БАҒРИКЕНГЛИК — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

**«Одиллик одимлари» мақоласини ўқиб...**

бўлмоқда. Судлар томонидан овозликдан маҳрум қилиш жазолари тайинлаш бирмунча қамалмоқда. Бу ўз навбатида айбланувчиларни ҳимоя қилишда ҳам энгиллик туғдиришмоқда.

Мақолада тарафларнинг ярашганлиги туфайли, белгиланган шартларга риоя қилинган тақдирда, жиноят ишини тўхтатиб тергов ва суд идораларининг ҳуқуқига эмас, уларнинг процессуал мажбуриятига айланганлиги таъкидланган.

Ҳақиқатан ҳам бугун мамлакатимизда инсон қадр-қимматини юқори қўйиш,

бўлар-бўлмагаси унинг нафсониятига тегиш ҳолларига қонун кучи билан барҳам беришга йўл очилди. Айтайлик, илгари тасдиқланган икки оға-ини айтишиб, уришиб қолса ҳам улардан бирини, албатта, суд ҳукми бўйича хатто овозликдан маҳрум қилишгача етиб борилади. Эндиликда ярашиш мумкин бўлган жиноятлар туркуми қонунда

66-1-моддасига асосан суд мажлисининг ўзаро ярашув ҳақидаги баённомасини тасдиқлапти. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддаси 2-қисми билан айбланган Шавкат Тожибоевнинг жиноятига оид тергов ишини олиб кўрайлик. Ака-сингил Тожибоевлар ўзаро жанжаллашиб қолиб, ака сингилли уриб, унга соғлиги қисқа вақт бузилишига

бошқарувидаги автомашина билан тўқнашув содир этганлиги оқибатида, ҳайдовчи ва унинг автомашинаси ичда бўлган Д. Йўлдошевга тан жароҳати етди.

Мазкур жиноий ишни тергов қилиш даврида жабранувчилардан бири ўзаро ярашув ҳақида ариза ёзиб берган. Тергов органи томонидан Жиноят Ко-

маси тасдиқлашиб, жиноят иши тугатилган.

Жиноят Кодексининг 66-1-моддасини татбиқ этишда тергов ва суд органи Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори баён этилган раҳбарий кўрсатмаларга қатъий риоя қилишлари ҳам фуқароларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатламоқда. Биз — адвокатларнинг амалий фаолиятимизда қўлдан-қўл жумбоқли муаммоларга қонун юзасидан ечим топишга эришмоқдамиз. Жиноий жазоларнинг эркинлаштирилиши муносабати билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар суд-ҳуқуқ ислоҳоти чиндан ҳам инсон учун, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун эканлигини ҳаёт, қундалиқ тажрибамиз тасдиқламоқда. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда бағрикенглик тамойили тобора кенг тул олаётти. Учинчи — суд ҳокимияти эндиликда давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил тармоғи сифатида эътироф этилиб, инсон ҳуқуқлари суд тартибидан ишончли ҳимоя этилишини кафолатловчи орган бўлиб хизмат қилмоқда.

**Х. ЖАЛИЛОВА,**  
*Қийраб туман ҳуқуқий маслахатхонасининг мудири.*

# Қимматли қоғозлар бозори ПОЙТАХТ КОРХОНАЛАРИ АКЦИЯЛАРИГА ТАЛАБ КАТТА

**Ўтган ҳафтада "Тошкент" республика фонд биржасида 97 та битим қайд этилди. Уларнинг умумий қиймати 445,9 миллион сўмни ташкил этади. Энг йирик операция "Ўзбифарм" акциядорлик жамияти акциялари билан амалга оширилди — улар 44,8 миллион сўмга сотилди. Бу жа бешта савдо сессияси ўртача кунлик айланмасининг яригидир.**

Қимматли қоғозлар оиди-сотиши республиканинг барча минтақаларида амалга оширилди. Энг катта ҳажм Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида тўғри келади. Иқтисодий тармоқлари орасида агроносанот комплекси пешқадамлик қилмоқда.

Умуман йил бошидан буён 3305 та битим тузилди, умумий айланма 8 миллиард 331 миллион сўмни ташкил этди, қимматли қоғозларни эркин муомаладаги валютага сотиш бўйича 25 та шартнома тузилди: бирламчи бозорда 2 миллион 569,6 минг АҚШ доллари, иккилламчи бозорда 1 миллион 221,3 минг долларга тенг ҳажмда. Корпоратив облигациялар бўлимида умумий қиймати 2 миллиард 155,8 миллион сўмлик 39 та битим қайд этилди.

(У.А.)

# ЁШЛАР БИЗНЕС МАКТАБИ

**Ёшлар — келажак таянчи. Уларни ҳар томонлама етук, ўз иқтидорини рўйбега чиқаришга қодир, мустақил фикрга эга инсон этиб тарбиялаш жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда улғайиб келаятган авлоднинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши, тараққий этган давлатларда турли жаҳонларда кўлга киритилган ютуқ ва тажрибаларни эгаллаши учун яратилган кулайликлар ана шу мақсадга хизмат қилаяпти.**

Бу борада "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати давлат, жамоат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга оширмоқда. Йигит-қизларни замонавий касб-ҳунарга ўраганиш, боқимандалик қайғидандал халос этиш, уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини ривожлантириш ва тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашишга, айниқса, алоҳида эътибор қаратиляпти.

Пойтахтимизда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ёшлар бизнес мактаби шундай саъй-ҳаракатлар сирасига кириди. Мазкур мактабда

**Б. ХИДИРОВА,**  
*У.А. муҳбири.*

# АЛОҚАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

**«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси «Procter & Gamble» компанияси ва «Amei Care» халқаро ташкилати билан ҳамкорликда навбатдаги ҳайри иншо қўл урди.**

Маълумотларга эътибор берсак, шу кунгача компания томонидан 47 миллион АҚШ доллари миқдорига мурувват ёрдамлари келтирилди. Ўтган йилнинг ўзига биргина «P&G» компанияси тўрт миллион АҚШ доллари миқдорига ҳайрия тадбирларини уюштирди.

Бугунги кунда ушбу компания энг кучли ташкилотлар сирасига кириди. У «Amei Care» ташкилоти орқали меҳрибонлик уйларида ўз ёрдамини кўрсатади.

**Гўзал СОЛИЖОНОВА.**

# Суд залидан ОДИЛ ҲУҚМ

**Жиноий ишлар бўйича Тошкент вилоят суди Тошкент Республикаси қасбини фуқароси Ражаб Аззамовнинг жиноий ишини кўриб чиқади. У Ўзбекистон Республикасига героин олиб ўтиб сотишга уринганликда айбланади. Қўлга олиш чоғида унинг ёнида 38,4 грамм гиёҳванд модда бўлган.**

Гарчи Р. Аззамов ўз айбиға қисман иқдор бўлган бўлса ҳам судлов жараёнида жиноятчининг айблари тўла тасдиқланди. Суд жиноятчини ўн бир йилга овозликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармониға асосан тайинланган бу жазонинг бешдан бир қисми қисқартирилди.

**Равайн БЕКБОЕВ,**  
*Тошкент вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори.*



Ўзини ўзи бошқариш тизими бугун фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида бош омил сифатида шаклланимоқда. Ҳар бир маҳалла, қишлоқ, овулда аҳоли билан бирдамликда иш олиб бориш, у ердаги муаммоларни камчиликларни жонинг ўзида ҳал этиш тажрибаси бугун ўзини оқламоқда.

Бунга биргина Зангиота тумани, Зангиота қишлоғидаги Богзор маҳалласи мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бугунги кунда маҳаллада 648 та хонадон бўлса, уларда 2375 нафар аҳоли баҳамжикат умр-

гузаронлик қилмоқда. Оқсоқол Жўрабой Тошкентбев эса уларга бош-қош. Ёшлар тарбияси борасида ҳам ишлар намунали йўлга қўйилган. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда милиция таянч пункти ходимлари доимо ҳамкорликда иш тутдилар. Маҳалладаги бошқа муаммолар ҳам Богзорнинг ўзида ечим топади.

**СУРАТДА:** (унедан иккинчи) оқсоқол Жўрабой Тошкентбев ҳамкорлар билан маҳалла янада обод қилиш борасида фикрлашмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# Ижро интизоми ИШОНЧЛИ ОМИЛ

**Ёхуд хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммолари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида республиканинг ижтимоий-иқтисодий соҳасини ривожлантириш яқунлигига ва бу соҳадаги устувор йўналишларга бағишланган маърузасидан келиб чиққан ҳолда Тошкент вилоятида корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ҳамда қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштиришга оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан вилоят прокуратураси томонидан доимий назорат амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш

дастури тўғрисида», «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Қимматли қоғозларнинг иқтисодий бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижроси доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят бўйича 64 та корхона хусусийлаштирилиши режалаштирилган эди. Амалда эса 59 корхона давлат тасарруфидан чиқарилди.

Вилоятнинг аксарият шаҳар ва туманларида хусусийлаштириш режалари бажаришга қарама-қарши Оқўрғон, Зангиота, Пскент, Оқориқчиқ туманларида бу соҳада сустхалликка йўл қўйилмоқда. Оқангарон туманида эса, битта ҳам корхона хусусийлаштирилмаган. Бу жараёнда пул маблағларининг тўшуми ҳам талабга жавоб бермайдди. Вилоят бўйича бу соҳадаги режа 36,3 фоизга бажарилган, холос. Бу вазифа Бўка, Пскент ва Тошкент туманларида умуман бажарилмаган.

Вилоятимиз ҳудудидаги йирик корхоналар акциядорлик жамиятларига айланмоқда. Лексин, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва уюшмалар ҳамда корхона раҳбарларининг эътиборида давлат активлари узоқ муддатлардан бери сотилмай келмоқда. Ангрэн, Олмалик шаҳарлари ва Оқангарон тумани ушбу кўрсаткични ортиги билан бажарган бўлса, Бўка, Зангиота, Чиноз туманларида жуда паст даражада. Бекобод шаҳар ва Оқўрғон, Бекобод, Бўстонлик, Қийраб, Пскент туманларида эса акция пакетлари умуман сотилмаган. Ўтган олти ой мобайнида 340,1 миллион сўмлик акция пакетлари сотилиб, режа атиги 64 фоизни ташкил этди. Ҳудди шундай вазият ер майдонларини сотишда ҳам кузатиламоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, чет эл инвесторлигига акция сотишдан туганган маблағ режага нисбатан 129 фоизга бажарилган. Бу борада Олмалик, Ангрэн, Янғийўл шаҳарлари ҳамда Пар-

кент туманининг ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш лозим. Давлат мулкни ижарага беришдан маблағ тушириш режаси 107 фоизга бажарилди.

Маълумки, хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторларни жалб этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ҳудудида жойлашган етти корхонанинг акция пакетлари реализация қилинди. Жумладан, «Қорасув пахта тозалаш», «Трансформатор» ва «Оқангаронцемент» акциядорлик жамиятлари акция пакетлари чет эл инвесторларини жалб этган ҳолда жами 413 минг АҚШ доллари миқдорига жойлаштирилди ва инвесторлар учун бу корхоналарни ривожлантириш мақсадида жами 600 минг АҚШ доллари миқдорига инвестицион мажбуриятлар белгилаб қўйилди.

2003 йил 1 июль ҳолатига 292 та акциядорлик жамиятида акциядорларнинг умумий мажлиси ўтказилиб, 30 та акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари ўз вазифаларидан озод этилди. Ижро — муҳим жараён. Унда изчиллик ниҳоятда зарур. Шунинг ҳисобга олиб, биз умумий назоратни тобора қучайтираверамиз.

**Собир ҲАСАНОВ,**  
*Тошкент вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг прокурори.*

# «ИФТИХОРИМКИ, ФУҚАРОСИМАН МЕН ЎЗБЕКИСТОННИ!»

**Инсон боласи қаерда дунёга келмасин, унинг туғилган юртига, ўз Ватанига мансублик белгиси бўлади. Бу — унинг шахсий фуқаролик ҳужжати — паспортдир. Уни умр бўйи кўксига олиб юради, ардоқ-тайди ва ўзи ҳам бу кўксиз заминнинг қайси гўшасида бўлмасин, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ўз она-Ватани томонидан шу ҳужжат воситасида ишончли ҳимоя қилинади.**

— Мустақиллигимизнинг 12 йиллигини нишонлаш арафасида қишлоқлар, маҳаллалар, ўқув юртларида бўлиб, паспорт тизими қонун-қоидалари, фуқаролик ва маъмурий кодексларнинг шу соҳадаги талаблари, шахсий ҳужжатни сақлаш, муддатидан алмаштириш масалалари хусусида суҳбатлар ўтказяямиз, — деди Бўка тумани ички ишлар бўлими паспорт бўлиминининг бошлиғи, милиция майори Пардабой Бойтемиров. — Фуқароларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ёки рўйхатдан чиқариш шароитлари ўзига хос йўналиш касб этиб бормоқда. Хусусан, махсус кутиш жойи жиҳозланганлиги олис-яқин қишлоқлардан келаятган фуқароларимизга қулайлик туғдирапти.

Фуқаролик ҳужжатини эҳтиёт қилиб сақлаш, уни муқаддас билиб, ардоқлаш кўникмасини аҳоли онгига синдиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда қисқа муддатда 21 корхона, ташкилот, таълим муассасасида учрашувлар ўтказилди. Паспорт олиш ёнига етган ўқувчиларга шахсий ҳужжатни расмийлаштириб бериш қисқа муддатда ушшоқлик билан яқунланди.

— Миллий байрамимиз арафасида бизнинг йиғирна тарбияланувчиларимизнинг ҳаммаси Ангрэндаги коллежга радиотелевизор усталари касб йўналиши бўйича ўқишга қабул қилиниши.

— Мени азиз она-Ватаним — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик миллий паспортини қўлимга олганлигим билан фархланиман, — дейди татар қизи Гўзал Аминова. — Паспортимни муқаддас билиб сақлайман. Коллежда ўқиб, хунар эгаллаб, мени ардоқлаб ўстирган элимга, мустақил Ўзбекистонга муносиб хизмат қиламан.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида Ўзбекистон Республикасининг 3616 нафар фуқаросига паспорт расмийлаштириб берилди. Паспорт бўлимида ноизири Муроджон Эдильовнинг таъкидлашича, шахсий

**Жўрабек МУРОДОВ.**

# Савол беринг, жавоб берамиз

**Мени асосий баҳоналар билан ишдан нотўғри бўша-тиши. Маъбурий бекор юрган вақтим учун иш ҳақи ундириб олишим мумкинми?**

**Гулбаҳор Шамсиева,**  
*Чиноз тумани.*

**Тошкент вилояти қасаба уюшмалари кенгашининг ҳуқуқшуноси Надежда Ефимова жавоб беради:**

— Сиз фуқаролик ишлари бўйича туман судига ишхонангизга нисбатан давво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 4-бандига асосан сиз ишга тикланиб, бекор юрган даврингиз учун иш ҳақингизни тўла ундириб оласиз.

Бугина эмас. Агар тўғри асослай олсангиз, ишхонангиз сизга етказган маънавий зарарини ҳам қоплашга мажбурдир.

Ҳар бир ишда, энг аввало, кулай ва мустаҳкам пойдевор бўлиши шарт. Токи, қилаётган меҳнатинг, фикрларинг, яратишга бўлган иштиёқининг мустаҳкам замини бўлсин. Ана шундай асос йўл қурилиши, уни таъмирлаш ва обод қилишга берилаётган эътибордир. Бу борада, айниқса, халқаро аҳамиятга эга «Буюк Ипак йўли»нинг вилоятимиз худудидан ўтайдиган қисми бўлган Қамчиқ довоида катта ҳажмдаги қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги, бу трансконтинентал йўлнинг жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада кенг ва мустаҳкам бўлишига эришилаётгани таҳсинга сазовор, албатта.

Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллиги байрами арафасида рес-

Қамчиқ довоида ижодкорлар ва санъаткорлар билан бўлган учрашувда ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов ҳаммининг кўнглидаги туйғуларни ифода этиб, шундай деди:

— Бугунги кун ижодкорларимиз учун ҳам, сиз йўлсозлар учун ҳам ажойиб кунлардан бири ҳисобланади. Йўллар қурилар экан, уни ободонлаштириш, керак бўлса, химоя қилиш ҳам зарур деб ўйлайман. Йўллар ҳақида гапирар эканмиз, у миллиятнинг кўзгуси деймиш. Демак, йўл миллиятнинг кўзгуси, унинг обрў-эътибори экан, биз ижодкорлар ҳам йўлсозларимиз олдида доимо қарздор эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Дарҳақиқат, унинг «Бу



# БУ ЙЎЛЛАР ТАРАТГАЙ ЎЗБЕКНИНГ ШОНИН

публикамиз таниқли ижодкорларининг улкан ўзгаришлар, жўшқин, меҳнат жараёнлари билан танишуви йўл қурувчилари, муҳандислари билан учрашувлари, мулоқотлар, шеъронликлар кўнглиларга олам-олам ёруғликлар инъом этганлиги ҳам рост.

Давраларда, учрашувларда йўл қурувчилари Қамчиқ довои қурилиши скрейперчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Улугбек Умаров, Икром Каримов, Мусо Жўраев, Авазбек Аскарлов сингари қурилиш сардорлари, Ангрэн, Янгиобод, Дукент йўлларидан фойдаланиш бошқармалари ҳамда Ангрэн бургулаш ва портлатиш тизимлари жамоалари номдор вакилларининг исму шарифлари қайта-қайта тилга олинди. Уларнинг қилаётган фидокорона меҳнатлари самараси ўларок, кенг ва раван йўлларда манзилга омон-эсон этиб бораётганлигимизни ҳам таъкидлаб ўтди.

Шоир ва ёзувчилар ўз шеърлари ва кўнглини кўтарувчи илк сўзлари, санъаткорлар эса дилрабо куй ва қўшиқлари билан давраларга файз ва тароват бахш этдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йўллар» шеърида ана шу фикр ўзининг яққол ифодасини топган:

*Боши, охири бор ҳар қандай йўлнинг,  
Бу йўлларнинг эса адоги бўлмас.  
Эзу ниятларга ойна ҳар диннинг  
Йўлни Аллоҳим ўзи бергай, бас!*

*Бу йўллар таратгай ўзбекнинг шонин,  
Неча манзилларда машъал ёққайди.  
Бу йўллар... Айланиб ҳали, дунёнинг  
Чаккасига гуллар таққайди!*

Дарвоқе, учрашув ва мулоқотлар чоғида сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Тўлан Нисон, Ҳабиб Саъдулла, Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутати, ёзувчи Эркин Аъзамов, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Турسونий Содиқова, шоирлардан Сирожиiddин Сайид, Махмуд Тоир, Минхожиддин Мирзо ва бошқалар ҳам йўлсозларга

ўзларининг дил сўзларини изҳор қилдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, моҳир скрейперчи Улугбек Умаров ижодкорлар ва санъаткорларга мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрами арафасида Қамчиқ довои йўлсозлари билан учрашувга ташриф буюрганликлари, ўзларининг қалб сўзлари, янги шеърлари билан ҳар бир кишининг вужудига кўтаринкилик руҳи берганликлари учун самийи миннатдорчилик билдириб, «Сизларни ҳамisha орзиқиб кутамиз. Мустақил давлатимиз барқарор, юртимиз тинч, Юртбошимиз ҳамisha омон бўлсинлар!» деди.

Шу кунги Ўзбекистон ижодкорлари халқ шоири Тўлан Нисоннинг Қамчиқ довои қурилишидан ҳикоя қилувчи «Довон» достонининг ютуқлари ҳақида йўл қурувчилар бил-

дирган мулоҳазаларни тингладилар ва бу борада ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Қамчиқ довоида туриб, Ватаннинг кенг камровли қўёғасини яққол ҳис этасан, киши. Йўлдан, сафардан, учрашув ва мулоқотлардан олинган таассуротимиз шундай бўлди.

Қамчиқ довоида бўлиб ўтган учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳайриiddин Султонов, Республика Бош вазирининг ўринбосари Рустам Юнусов иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

**Шавкат ТУРОБ,**  
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: Қамчиқ довоида бўлиб ўтган учрашувлардан лавҳалар.

Еркебий БОТИРОВ олган суратлар.



## Шифокор маслаҳати

### ОНА ЭЪТИБОРИ ҲАР ДАРДГА ДАВО

*Қўлар исини — ошқозон-ичак касалликларини кўпайишига кулай шароит яратди. Бу даврда ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари болаларда айниқса, оғир ўтади. У ҳатто болалар ўрнинда туради. Бу касаллик бир ёшгача бўлган эҳдакларда кўпроқ учрайди, сабаби чакалоқларни она сuti билан эмас, балки, ҳар хил сунъий сутлар билан боқиб кенг тус олмақда.*

Сунъининг тўғри ўсиши учун зарур бўлган минерал тузлар она сutiда кулай нисбатда бўлади. Кўчрак сutiда микробларни ўлдирадиган ва болани турли юқумли касалликлардан химоя қиладиган оксил моддалари бор. Ёш болаларда овқат ҳазм қилишнинг бузилишига кўпинча овқат таркибининг ўзгариши, болани ҳаддан ташқари тўйиб овқатлантириш, ёлғар, углеводлар, оксилларнинг кўп микдорда бўлиши, шунингдек, сунъий овқатлантиришга эрта ўтказиш, овқат тайёрланаётганда, қўлларнинг, идиш-товолқларнинг тоза бўлмалиги сабаб бўлади.

Сутли овқат уй шароитида тўғри тайёрланса, болага берилса, шифокор кўрсатмасига биноан касалликка чалиниш камаёди. Бундан ташқари илк ёшдаги болаларда раҳит, эскудатив диатез, гипотрофия, анемия (камқонлик), бронх-ўпка касалликларини вақтида аниқлаш ва уларга даво қилиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Каттароқ

**М. МУХТОРХУЖАЕВА,**  
Саломатлик институти  
Тошкент вилояти  
филиалининг шифокори.

*Маъмур ташкилотнинг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакат Қуролли Кучлари учун кичик мутахассислар тайёрлаш соҳаларидаги фаолияти моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда тадбиркорлик ишлари ва пулли хизматлар қамрови кенгайтирилгани қўл келмоқда.*

Ёшлар ҳаво миллитидан ўқ отиш, ёзги биатлон, тезкор радиотелеграф алоқаси, Алпомиш ва Барчиной тўғараклари машғулотларида мунтазам қатнашмоқдалар. Бу тўғаракларни маблағ билан таъминлаш мақсадида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, маблағ ишлаб топшиш йўллари изланмоқда. Шу тўғарили тўғаракларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланяпти. Ҳозиргача тегириком барпо этилган. Тикувчилик цехида кийим-кечак тикиляпти. Омۇхта ем ишлаб чиқарувчи қував ва энгил автомобилларни таъмирлаш устaxonаси, сартарошхона ишга туширилди.

Хусусан, Ўстонлик туманида «Устоз — Уста» ва «Авто — мураббий» ўқув-ишлаб чиқаруш корхоналарида профессионал ҳайдовчилар тайёрланмоқда. Айни пайтда меҳнат биржаси билан ҳамкорликда ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш курслари

## «ВАТАНПАРВАР»НИНГ ҲАЙРЛИ ИШЛАРИ

Тошкент вилоятининг мудофаага кўмаклашувчи ташкилотлари тадбиркорлик ва пулли хизматлар кўламини тобора кенгайтирмоқдалар

ҳам ташкил этилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, пулли хизматни кенгайтириш ҳисобига барча тадбирларни маблағ билан таъминлаш муаммолари ҳал этилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар ёшларнинг қамолотга эришишига қаратилгандир. «Ватанпарвар» ташкилотининг қайси шахар ёки туман кенгаши фаолиятига назар ташламанг, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, шу асосда ўқув-тарбиявий ишларда фойдаланила-

диган транспорт ва бошқа ўқув-машқ воситаларини янгилаш, ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қизғин киришилганлигини гувоҳи

билан аҳолига қишлоқ хўжалик ишларини бажариб бериб, молиявий аҳолини яхшилаб бормоқда. Бундан ташқари, «Ватанпарвар» кенгаши миллий асбоб-ускуна ва

бўласиз. Шуни айтиш қиёфояки, вилоятимиз шаҳар ва туманларида шўъба корхоналар ташкил этилиб, аҳолига сервис ва маийиш хизмат кўрсатиш, автомобиль таъмирлашни янада кенгайтириш чоралари кўриляпти. Чунки, Чирчиқ автомобиль мактабида кузов таъмирлаш устaxonаси аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини муттасил ошириб бормоқда. Бу ерда очилган нонвойхона ҳам мўмай даромад келтиряпти. Охангарон шаҳар кенгаши эса ўз трактори

жиҳозларни тайёрловчи устaxonаларни ҳам ишга тушириб юборди. Ёш мерганлар учун машқ қилиш имкони тугдирилиб, тир очилганлиги пул тушумларининг ҳийла кўпайишига олиб келмоқда. — Янгийўл ва Бекобод шаҳарлари, Пскент, Чиноз, Бўка, Бекобод туманларидаги автомобил мактабларимиз ёки спорт-техника клубларимиз жамоалари ҳам тадбиркорлик ва пулли хизмат турларини кенгайтириш борасида хайрли саъй-ҳаракат кўрсатишмоқда, — дей-

ди «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгашининг раиси Карим Ваҳобов. — Бу борада ташаббускорлик, янги-янги фаолият турларини йўлга қўйишга қизиқиш Куйинчирик ва Юқоричирчиқ туманларида ҳам кенгайиб бормоқда. Дўстобод шаҳрида болалар учун «Денди» компьютер ўйинхонаси, Янгибозорда эса дурадгорлик цехи ишлаб турибди. Қуни кеча Бекобод шаҳрида автомобиль таъмирлашнинг тирсақли ўқлари ва гилзаларини таъмирлаш устaxonаси иш бошлади.

Ҳа, шаҳар ва туманларнинг мудофаага кўмаклашувчи ташкилотлари ўз низомиий вазифаларидан келиб чиқиб, кичик ва ўрта корхоналар очиб, шу йўл билан ишлаб топилган маблағлар ҳисобидан ёшларнинг ўқув-машқ жараёнлари савиясини кўтариб йўлда тинмай изланмоқдалар. Шуни айтиш қиёфояки, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида тадбиркорлик вилоятимиз «Ватанпарвар» ташкилотларига 2 миллион 800 минг сўмдан зиёд маблағ топиш имконини берди.

**Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.**

## 2003 йил — Обод маҳалла йили

# ПАРКЕНТ ДАСТУРИ АМАЛДА

*Мана саккиз ойдики, республикада «Обод маҳалла йили» дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. У давлат ва жамият бошқарувида, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида маҳалланинг ўрни ва мақомини янада мустаҳкамлашга қаратилган.*

Қувонарли томони шундаки, мамлакатимизнинг барча туманлари, аҳоли пунктлари, шаҳар ва вилоятлари аҳолиси мазкур муҳим ҳужжатда белгиланган вазифаларининг ижросига фаол киришди. Буни Тошкент вилояти Паркент тумани мисолида кўриш мумкин.

Туманининг 49 та маҳалласида 112 минг киши истиқомат қилади. Бутун мамлакатда бўлгани каби бу ерда маҳалла кўмиталари раислари ва фаолларининг ҳуқуқий билимларини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун турли семинарлар, давра сўхбатлари ўтказилмоқда.

Паркентнинг чекка бурчакларида ҳам кўча ва йўлларни ободонлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Йўлларнинг бўйидаги турли туман гуллар, чинор ва теераклар кўзни қувнатади. Шу-

нингдек, автомобиль йўлларини кенгайтириш ва текислаш бўйича ишлар жадал олиб борилаётганига гувоҳ бўласиз.

Бу ерда маҳаллалар фаолияти учун моддий базани мустаҳкамлаш, улар худудидан тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаларини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Швейцариялик ҳамкорлар билан бирга қурилган ва шифобахш минерал сув ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Заркент ЛТД» қўшма корхонаси, «Холис» хусусий иссиқхонаси ва бошқа корхоналар айнан шу мақсадга хизмат қилади. ЮНЕСКО томонидан ажратилган грант кўмагида туманда халқ хунармандлари фаолияти ҳам ривожланмоқда.

— Дастурда маҳалланинг соғлом турмуш тарзи ғоялари, ижтимоий адолат аъёналари ва маданий-ахлоқий

тарбия билан боғлиқ миллий кадрлар ва удувларни сақлаб қолиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича ишларини фаоллаштириш кўзда тутилган. Шу мақсадда бизда тез-тез «Энг яхши маҳалла», «Энг яхши кўча» каби қуриқ-танловлар ўтказилмоқда, — деди туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулчехра Исломова.

Паркент аҳли бу тадбирларга пухта тайёрланаётгани, танловларда фаол қатнашаётгани, заркентликлар, сўқоқликлар ўз жамоалари учун жон куйдирганини ўзини кўрди.

Танлов тўғрисида туманда болалар спортини билан бир қаторда оилавий спорт ривожланаётгани маълум бўлди. Бу ерда полвонлар, курашчилар, энгил атлетика усталари кўп. Масалан, Қиршинлар оиласи кўп бор халқаро ва республика мусобақаларида иштирок этган бўлса, Умиджон Орзиев «Умид ниҳоллари» республика мусобақаларида яхши натижаларга эришди.

**Н. УСМОНОВА,**  
ЎЗА мухбири.

## Мулоҳаза

### ОҚСОҚОЛ ФИДОЙИ БЎЛМАСА...

*Фуқаролик жамиятини қуришда ўзини-ўзи бошқариш тизимига ўтиш катта аҳамиятга эга. Бу эса ўз-ўзиндан маҳалла оқсоқоли зиммасига катта масъулият юклайди. Маҳалла аҳлининг иқтисодий, ижтимоий муаммоларини ҳал этиши, уларнинг хурсандчилигига шерик, дардига дармон бўлиш унинг асосий вазифасидир.*

Оқсоқол эртанги кун билан ҳамнафас бўлиб яшасин, нима қилса, ўз маҳалласи, қишлоғи учун нафти тегишини ўйлаши керак. У бош бўлмаган иш ҳеч қачон олға босмайди. У хоҳ оқдончилик ишлари бўлсин, хоҳ маҳалла инфратузилмаси билан боғлиқ бўлсин, баридо оқсоқол бош-қош бўлиши керак.

Мана «Обод маҳалла йили» муносабати билан давлат дастури қабул қилинди.

Унга қўра, хусусан, ёшлар тарбияси билан жиғидий шуғулланиш, уларнинг турли ноқобил гуруҳларга қўшилиб ёки жиноят кўчасига кириб қолишларининг олдини олиш учун маҳаллада керакли муҳитни яратиши лозим. Мисол учун, болалар ўйингоҳлари, турли тўғаракларни ташкил этиш бу борада яхши натижа беради. Бизнеснинг қишлоғимизда ҳам «Jokey» от спорт клубининг очилгани яхши бўлди. У ерда ўсимирлар спортининг бир

неча турлари бўйича машқлар олиб борадилар.

Бундан ташқари, ёшларнинг маънавий қўёғаларини шакллантиришда маҳаллаларда ўзига хос тадбирлар, кечаларнинг уюштирилиши муҳим аҳамиятга эга. Яқинда маҳалламиздан 18 нафар кексаларни Туркистонга Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилишга олиб бордик. Шундан сўнг, ана шу кексалар иштирокида ёшлар билан мулоқот уюштирилди. Улар Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди ва маънавий мероси ҳақида ёшларга сўзлаб бердилар.

Бундай тадбирлар кўр-кўрона эмас, чин дилдан ўтказилганига, кўтилган натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун эса оқсоқол фидойи бўлиши зарур.

**Азим СЕРИКБОВЕВ,**  
Занжиот туман Хонобод қишлоғидаги Дадахўжаев номли маҳалла оқсоқоли.

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

*Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида витреоретинал жарроҳлик масалаларига бағишланган илмий семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз кўз касалликлари шифокорлари ҳамда хорижий мутахассислар иштирок этди.*

Кейинги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимига ҳам замонавий технологиялардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида АҚШнинг «Bausch & Lomb» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган «Millennium» аппаратининг ўрнатилгани ҳам фикримиз далили бўла олади.

Семинарда витреоретинал жарроҳлик амалиётини ўтказишда қўл келадиган мазкур аппаратнинг тақдими топилиб ўтди.

Витреоретинал жарроҳлиги тўр парда кўчиши, қандили диабет ҳамда турли тур жароҳати оқибатида кўзнинг шишасимон танасида қон қуйилиши содир бўлиб, кўриш қобилияти пайсанг ҳолларда амалга оширилади. Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси мутахассислари бундай ҳасталикни даволашни амалда жорий этиш бўйича самарали иш олиб бораётди. Утган икки йил мобайнида улар дунёнинг қўпгина ривожланган давлатларида бўлиб, бу борада тажриба алмашиб қайти.

Семинарда Екатеринбургдан келган витреоретинал жарроҳлик усули бўйича йирик мутахассис Виктор Казайкин мазкур мусоламадан амалиётда фойдаланиш йўллари ҳақида маъруза қилди.

**Ҳуқар СОДИҚОВА,**  
ЎЗА

